

# **ANNOUNCEMENT**

**Dear teachers!**

**We cordially invite you to the  
Demo Lesson which is going to  
be held on December 13, 2021,**

**At 09:30,**

**on the subject “Teaching  
Integrating Skills” with the  
students of Group 746-19,**

**Room № 414**

**TOPIC: “Choosing appropriate Reading  
Materials”**

**Teacher: Jabbarova Anora**

А.Кодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти

## **Чет тиллар факультети Инглиз тили үқитиш методикаси кафедрасы**

доценти в.б Жабборова Аноранинг

## **746-19 гурух талабалари билан “Choosing appropriate Reading Materials”**

## **мавзусида үтказилған очиқ дарс мұхокамаси**

# БАЁННОМАСИ

## Жиззах шаҳри

13.12.2021 йил

## **Қатнашдилар: Инглиз тили ўқитиши методикаси кафедраси профессор- ўқитувчилари**

## Кун тартибида:

1. Кафедра доценти в.б. А.Жабборованинг 746 -19 гурухда “Тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш” фанидан ўтказилган “Choosing appropriate Reading Materials” мавзусидаги очик дарси муҳокамаси.

Сўзга чиқдилар : Кафедра Кафедра катта ўқитувчиси Т.Равшанова: Ҳурматли ўқитувчилар сизларга маълумки Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги қарорлари ҳамда кафедранинг 2021 - 2022 ўқув йили учун режалаштирилган очик дарслар юзасидан кафедрамизда навбатдаги очик дарс ўтказилди. Очик дарс кафедрамиз доценти в.б. Жабборова Анора томонидан “**Choosing appropriate Reading Materials**” мавзусида бўлиб ўтди. Очик дарснинг ўтилиши ва уни ҳолисона баҳолаш учун сизлардан ушбу очик дарс юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман.

## **Катта ўқитувчи –Д.Сафарова:**

“ Ўқитувчи талабаларнинг бевосита раҳбарлиги остида машқ қилишлари учун имкониятлар яратади. Шу билан биргаликда мустақил равишда машқ қилишлари учун имкониятлар яратади. Бир ишдан иккинчисига силлик ўтишни амалга ошира олди. Талабаларнинг қизиқиши ва келиб чиқишидан фойдаланади. Тақдимотда ўзгарувчанликдан фойдаланди, ғайрат, шижаат,

фаоллик ва дарсга қизиқиши намойиш этди. Талабалар хам тақдимотда аниқ ва фикрларни мантиқий равища жойлаштириб гапира олдилар. Уқитувчи талабаларнинг саволларини мақтайди, чиқаради ва уларга жавоб беради. Дарсда турли ҳил усуллардан, асосан талабалар хушёрликка чорлаб индивидуал ишлаш учун берилган тақдимотидан, актив машклар тушунарли осондан мураккабга караб, изчилликда ташкил эта олганлиги ўқитувчининг ютуғидир.”

#### **Ўқитувчи - Д.Ҳайдарова:**

- “Мен ҳам юқорида билдирилган фикрларни қўллаган ҳолда шуни таъкидлаб айтаманки, дарс яхши режалаштирилган . Ўқитувчи белгиланган ўқув дастурига амал қилди ва мавжуд материаллар ва манбалардан фойдаланди. Талабалар билим даражасидан келиб чикиб белгиланган ўқув дастурига мос келадиган тадбирларни танлади. Талаба қобилиятига мос коммуникатив машклар танлай олди маҳсус талабалар учун мос бўлган машғулотлар, материаллар ва манбаларни фойдаланди.”

#### **Ўқитувчи – С.Ҳамирова:**

“- Дарсдан талабалар янги сўзлар ўрганди ва менга дарснинг тўлик инглиз тилида олиб борилганлиги ўқитувчининг билим савияси қандай эканлигини кўрсатиб бера олди деб ўйлайман. Режалаштиришда мавжуд бўлган вақтни ҳисобга олди. Талабалар гуруҳини ўқув эҳтиёжларига қараб режалаштиради.Дарс ўқувчилар эътиборига йўналтирилган ва олдинги ва келгуси дарслар билан боғлади. Янги материални аниқ ва мантиқий тақдим эта олди. Талабаларнинг билимларини доимий равища кузатиб борди.

Очиқ дарс муҳокамаси юзасидан кафедра ўқитувчилари Ш.Эшонқулов, Ш.Тўраева, М. Джураева ва бошқалар сўзга чиқишиди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда кафедра йиғилиши қарор қиласди:

1. А.Жабборованинг 746-19 гурӯхда “Тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиши” фанидан ўтказилган “**Choosing appropriate Reading Materials**” мавзусидаги очиқ дарси яхши деб топилсин

2. Юқорида келтирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда кафедра профессор-ўқитувчилари малакасини янада самарали ташкиллаштириш ва олиб бориш чора тадбирлари кўрилсин.

**Йиғилиш раиси:**

**А.жабборова**

**Котиба:**

**Д.Ҳайдарова**



